2004 YIL 17 FEVRAL, SESHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 23. (6.704). Sotuvda erkin narxda

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Тошкент вилояти фаолларининг 2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотлар боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишлан йиғилиши бўлиб ўтди. Шунингдек, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё вилоятлари фаолларининг ҳам йиғилиши ўтказилди.

● Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан Сирдарё вилоятида авиамоделлар бўйича мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди.

● Республика Марказий банкида мамлакатимиз Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 2-Мурувват уйида Меҳр ва мурувват йилига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида прокуратура органларининг 2003 йилги фаолияти якунлари ва галдаги вазифаларига бағишланган кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

● «Маҳалла» хайрия жамғармасида оммавий ахборот воситалари учун брифинг бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида мусаввир Азамат Ҳотамовнинг юртга эҳтиром мавзуидаги шахсий кўргазмаси очилди.

● АҚШнинг Сорос жамғармаси моддий ёрдамида Бухоро шаҳрида ташкил этилган фото санъатини ривожлантириш ижодий марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● Бухоролик фельдшер Қ.Қодиров, Ш.Муродов, ҳамшира Г.Раҳимова Исроил давлатида ўз малакаларини оширадилар. Улар вилоят болалар ҳакимлари ассоциацияси томонидан ўтказилган танловда шу имкониятни қўлга киритдилар.

● Обод маҳалла йилида ибратли ишларни амалга оширган Работиқалмоқ қишлоқ фуқаролар йиғинига Бухоро туман ҳокимлиги компьютер тақдим этди.

**Данғара туманининг Тарғоба қишлоғида янги тиббиёт-санитария ёрдам кўрсатиш муассасаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шифо маскани 4573 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Ҳомийлар ташаббуси билан барпо этилган сиҳатгоҳда 20 нафар соғлиқ посбонлари фаолият юритишади.**

**СУРАТЛАРДА: иншоотнинг умумий кўриниши ва шифокор Кабрал Эркабоев.**
**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**






# ПЛЁНКА ЯХШИ... ҲАФСАЛАСИЗЛИК ЁМОН

ТАҲЛИЛ

***Маҳмуд полвон Ёндошев Чуст туманидаги “Каркидон” ширкат хўжалигининг бош пудратчиси. Яқин ўттиз беш йилдан бери далада.***

Полвон ўтган йили чигитни плёнка остига экишни тоғолди қишлоғи – Каркидонда биринчи бўлиб бошлаб берди. Ва кам сув, дашт, тошлоқ ерларда ҳам бу усулнинг афзалликларини амалда исботлади. Ўша йили режани хўжаликдагина эмас, туманда ҳам биринчилардан бўлиб бажарди. Кам ҳосил ерларнинг ҳар гектаридан мўлжалдагига қараганда анча зиёд – салкам ўттиз центнердан хирмон кўтарди. Пахтасининг аксарият қисмини юқори навларга сотди. Бошқалар маррага етай деганда оқсаб, кеч куз изғиринида кўсак қидириб - чувиб, 4-5 навга пахта сотаётганда, полвон келгуси йил тадоригини аллақачон бошлаб юборган эди.



Полвон ўтган мавсумда ҳам ихтиёридаги ернинг барчасига чигитни плёнка остига экди. Қўшни даладагилар ҳам полвоннинг ишини такрорлаган бўлишди.

Чигит бир текис униб чиқди. Аммо апрелнинг дастлабки ўн кунлигида ҳаво ҳарорати бирдан пастлади. Бунинг устига тўсатдан кўтарилган шамол бир кечада плёнкаларни учириб, пайкал қирғоғидаги тутлар шохига илиб кетди. Шу-шу бу плёнка остига деганларидан қўшни пудратдагиларнинг ҳафсалалари пир бўлди. Энди улар чигитни очиққа экишди. Маҳмуд полвон бўлса, яна плёнка остига. Баъзилар бу усулда харажат икки ҳисса ошиб кетишини айтиб, унга эл қатори иш тутишни маслаҳат беришганди, полвон унамади: токи ғўза гулламагунча плёнкани йиғиштирмади. Устма-уст қатор орасига трактор юргизди. Ғўза гуркираб ўсди. Бегона ўт чиқмади. Сувни ҳам одатдагидан икки марта кам ичди, чанқамади. Кузда эса... Ҳосил дегани мўл бўлди. Маҳмуд полвон улоқни яна илиб кетди.

Хўжалик иқтисодчилари куз адоғида полвоннинг иш натижаларини очиқ усулда чигит эккан 13-бош пудрат билан солиштириб кўришди. Қаранг. Маҳмуд полвон бошлиқ пудратчилар октябр оёқламай 34 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олибди. Қўшни 13-бош пудрат эса то қиров тушгунча пахта териб, ҳосилдорликни аранг 15,6 центнерга етказибди, холос. Маҳмуд полвон бошлиқ жамоа қийин йилда ҳам ҳар гектар майдондан 120 мингдан фойда олди. Қўшни жамоа эса йилни гектар ҳисобига 9 минг сўмдан зарарига якунлабди.

**Маҳмуд полвон бошлиқ пудратчилар октябр оёқламай 34 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олибди. Қўшни 13-бош пудрат эса то қиров тушгунча пахта териб, ҳосилдорликни аранг 15,6 центнерга етказибди, холос.**

-Агротехникасини билиб олсангиз, плёнкадан яхшиси йўқ экан, - дейди Маҳмуд полвон. – Энг муҳими, ўғит пушта олишда, экишда тўлиқ ерга тушаркан. Кейин... кўчатдан ютаркансиз. Гектарида 140 мингдан 160 мингтагача кўчат бўларкан. Ахир, ҳосил кўчатдан чиқади-да. Яна десангиз, плёнка қирғоқларини, чигит тушган тирқишни яхшилаб беркитдик. Бу амал билан бегона ўтдан ҳам қутулдик. Сувни ҳам кам ичди. Плёнкани меҳнати кўп, деб кўпчилик ҳафсала қилмайди. Аксинча, экиш пайтида бир ҳафта-ўн кун қийналсангиз, буёғига ўйнаб-ўйнаб ишлайсиз.

Бу Маҳмуд полвоннинг гапи, унинг иш тутуми. Афсуски, беш қўл баробар эмас. Агар “Каркидон”даги қолган бош пудратлар ҳам полвон каби ишлаганда, янгиликни қўллаб кўрганда, балки хўжаликнинг юки ерда қолмаган бўларди.

Хўжаликдаги айрим бош пудратчилар плёнка остига чигит экиш заҳматига чидашмади. Оқибат, ширкат 1775 тонна ўрнига 1222,6 тонна пахта етиштирди. Гектаридан 27,1 ўрнига 18,7 центнердан ҳосил олинди. Бир қатор бош пудратларда чигит плёнкага экилгани ҳисобига, режа бажарилмаган тақдирда ҳам хўжалик йилни 62,5 миллион сўм даромад билан якунлади.

Туманда пахта тайёрлаш режасини биргина “Зарафшон” ширкат хўжалиги уддалади. Ери, тупроқ иқлим шароити бир бирига яқин бу хўжалик режани адо этди-ю, бошқалари ер чизиб қолишди. Бунинг сири нимада?

-1997 йилдан бери плёнка остига чигит экамиз, - дейди ширкат хўжалиги бош ҳосилоти Одилжон Неъматов. – Дастлабки йили Андижонга бориб, плёнканинг сир-асрорларини ўрганиб келдик. Шундан сўнг 100 гектар майдонга тажриба тариқасида янги усулда чигит экдик. Ишонасизми, биринчи йилдаёқ плёнка остига экилган майдонларимизда ҳосилдорлик 15 центнерданга ошди. Ҳар гектардан 40 центнердан ҳосил олдик. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Тўғри, харажатлар ҳам кам эмас. Лекин мўл, эртанги, сифатли пахта етиштириш эвазига катта миқдорда фойда ҳам кўряпмиз. 2003 йилнинг ўзида йиллик режани бажариб, 97 фоиз пахтамизни юқори навларга сотдик. Ана шунинг ҳисобига 283 миллион ўрнига 327 миллион сўм даромад олдик. Энди чигитни юз фоиз плёнка остига экмоқчимиз.

-94 гектар еримизнинг ҳаммасига плёнка остига чигит экиб, режадаги 329 тонна ўрнига 339 тонна пахта сотдик, - дейди хўжаликнинг илғор бош пудратчиси Маҳмуджон Убайдуллаев, - ҳосилдорлик 36 центнерданни ташкил этди. Плёнканинг афзаллиги пахта эрта пишади, ер эрта бўшайди. Қатқалоқ, ўт бўлмайди. Сувдан тежалади...

Чуст – табиий-иқлим шароити мураккаб туман. Бирор йил йўқки, кўкламда бу ерда жала, дўл бўлмаса. Ўтган йили чустлик деҳқонлар 9695 гектар майдоннинг 3206 гектарига чигитни плёнка остига экишган эди. Апрелнинг бошидаги қаттиқ совуқ, ёғингарчилик туфайли 1935 гектар майдонни қайтадан бузиб экишга тўғри келди.

Гарчи шартнома бажарилмаган эса-да, бир қатор хўжаликларда чигитни плёнка остига экиш эвазига туманда йил 85 миллион сўм фойда билан якунланди. Бошқача айтганда, 1 тонна пахта етиштириш учун 214 минг 740 сўм сарфланиб, 220 минг сўмдан сотилди. Демак, ҳар тонна пахтадан 5260 сўм фойда кўрилди. Бу озми, кўпми? Албатта, мақташга арзигулик рақам эмас.

Чустда бўлганимизда, плёнкага чигит экиш билан боғлиқ баъзи бир муаммоларни ҳам тилга олишди. Пахтакорларнинг тишига тегиб турган энг катта муаммо – экиш сеялкаларини таъмирлаш масаласидир.

(Давоми 3-бетда)

# АХБОРОТЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

***Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессиясида қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинди. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳамиятга молик ушбу ҳужжат ахборотлаштириш соҳасида муҳим ўрин тутади. Олий Мажлис Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси Изидор Кочмарик билан суҳбат шу ҳақда бўлди.***

*- Изидор Андреевич, суҳбатимизни республикамизда ахборотлаштириш соҳасида мутлақо янги меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш жараёни кечаётганлигидан бошласак.*

- Авваламбор шуни айтиш керакки, янги Қонун барча депутатлар томонидан маъқулланди ва Олий Мажлис бу муҳим ҳужжатни қабул қилди. Қонуннинг асосий мақсади - ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда ахборотлаштиришни ривожлантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосни яратишдир. Бу вазифалар Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил май ойида эълон қилинган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонида баён этилган. Ушбу муҳим ҳужжатга мувофиқ мамлакатимизда аҳолининг барча қатламлари ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиши учун шароит яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида республикада ахборотлаштириш тизимини янада такомиллаштириш зарурлиги масалаларига яна бир бор эътиборни қаратди.

Ўн иккинчи сессияда биринчи ўқишда маъқулланган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотларга жўнатилди. Бундан ташқари, умумхалқ муҳокамаси учун мазкур қонун лойиҳаси «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида ҳамда Олий Мажлиснинг Интернетдаги махсус сайтида эълон қилинди.

Умуман, қўмитамизга юздан зиёд таклиф ва мулоҳаза келиб тушди, уларнинг аксарияти Интернет орқали электрон шаклда етиб келди. Барча таклифлар ишчи гуруҳ томонидан ўрганилди ва кўриб чиқилди.

*- Ушбу таклифлар ҳамда қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.*

- Асосан, қонун тузилмаси ва моддаларнинг аввалги тартиби сақлаб қолинди. Бироқ, ҳозирда улар биттага кўпайиб, 23 тага етди. Депутатларнинг таклифига кўра ахборотлаштириш соҳасидаги давлат бошқаруви ҳақидаги меъёрлар мустақил моддага ажратилди. Ваколатли махсус орган ваколатлари қонуннинг 6-моддасида баён этилган.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати тўғрисидаги 4-моддага таҳририй ўзгаришлар киритилди. Давлат сиёсатининг кўрсатиб ўтилган ҳар бир йўналиши, шубҳасиз, жуда муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг барчаси ҳозирги ва истиқболдаги вазифаларга жавоб беради. Шу боис келиб тушган таклифларнинг аксарияти замонавий ахборот технологиялари воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш каби муҳим йўналишларга тааллуқлидир.

3-моддада ахборот ресурслари ва тизимларининг «мулкдори» ва «эгаси» тушунчаларига аниқлик киритилди. Муҳокама иштирокчилари мазкур Қонунда «ахборот ресурслари ва тизимлари мулкдори» тушунчасини (юқорида айтилган икки тушунча ўрнига) қўллаш имкониятини қизғин муҳокама қилдилар, чунки «мулкдор» ва «эга» тушунчалари қонунда кўп ўринда бир-бирига мос келади. Бироқ, биз бу фикрга қўшилмадик, чунки Фуқаролик Кодексига мувофиқ «мулкдор» ва «эга» тушунчалари бир-биридан тубдан фарқ қилади, 11-модданинг 3- ва 5-қисмларида эса умуман мос келмайди.

«Ахборот ресурси» тушунчасига аниқлик киритилди, уларнинг моҳияти шундан иборатки, «ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси» ахборот ресурси ҳисобланади (бу ерда «электрон шаклдаги» сўзлари қўшилган). Яъни ахборотни тақдим этиш шакли аниқлаштирилган. Бундан ташқари, бу моддада «ахборот инфратузилмаси» тушунчаси қисқартирилган, чунки бу термин қонуннинг ҳозирги таҳририда ишлатилмайди.

Ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш тоифалари тўғрисидаги 11-модданинг тўртинчи қисмига ўзгартишлар киритилди. Унга кўра нафақат ахборот ресурсларининг мулкдорлари, балки эгалари ҳам ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларидан юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг тенг ҳуқуқлилик асосида эркин тарзда фойдаланишини таъминлаши керак.

Ахборот тизимларининг техника воситаларини сертификатлаштириш тўғрисидаги 17-моддага мувофиқ биринчи ўқишдаги лойиҳадан фарқли ўлароқ ахборот тизимларининг барча техника воситалари мажбурий сертификатлаштирилиши шарт эмас. Унга давлат сирлари ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотни ишловдан ўтказиш учун мўлжалланган техника воситалари, шунингдек, мазкур тизимларни муҳофаза қилиш воситалари мажбурий сертификатлаштирилиши лозимлиги ҳақида муҳим қўшимча киритилди. Бу билан қўшимча давлат сирлари ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ресурслар билан ишламаётган ахборот ресурсларининг мулкдорлари ва эгаларига техника воситаларини танлаш ва улардан фойдаланишда эркин бўлиш имконияти яратилди.

(Давоми 2-бетда)

АҚШ - ЎЗБЕКИСТОН:

# PL-480 ДАСТУРИГА КЎРА

ҲАМКОРЛИК

***Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида 2000 йил 30 июнда тасдиқланган Битимга асосан PL-480 дастури ишлаб чиқилиб, унинг доирасида илмий-амалий изланишлар олиб бориш йўлга қўйилган.***

Бундан кўзланган мақсад қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни биргаликда бартараф этиш ва соҳани ривожлантиришдир. Бунинг учун АҚШ ҳукумати маълум миқдорда грант маблағлари ажратиб келмоқда. Жумладан, 1999 йил имзоланган битимга асосан 1,2 миллион, 2000 йил ҳам 1,2 миллион, 2001 йилда эса 2 миллион АҚШ доллари сўм эквиваленти миқдорида маблағлар ажратилганди. Ушбу дастур бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг мониторингини ўтказиш ва маблағлардан самарали фойдаланишни назорат қилиш учун Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан "Агроилмдунё" илмий ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилган. Ўтган давр мобайнида корхонага жами 190 лойиҳа тақдим этилган бўлиб, шундан долзарб бўлган 83 таси махсус комиссия томонидан танлаб олинган.

Яқинда шу дастур асосида яна 10 та лойиҳа имзоланди. Улар 2004-2006 йиллари қишлоқ хўжалигида амалга оширилиши кўзда тутилаётган долзарб масалаларга қаратилган бўлиб, "Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув заҳираларидан самарали фойдаланиш тизимини яратиш", "Токзорларда учрайдиган оидиум, антрокноз ва мильдью касалликларга қарши кураш услубларини ишлаб чиқиш", "Қовун пашшасининг тарқалиши, зарари ва биоэкологиясини ўрганиш ҳамда уларга қарши экологик тоза ҳимоя қилиш чораларини яратиш", "Кунгабоқарнинг юқори ҳосилли, тезпишар, таркибида мой миқдори кўп бўлган навларини ўрганиш ва буғдойдан кейин етиштириш усулларини яратиш", "Оролбўйи минтақаларига мос, қурғоқчиликка чидамли пахта навларини яратиш" каби қатор мавзуларга бағишланган лойиҳалардир.

(Давоми 3-бетда)

БОНГ

# РЕЖАСИЗ ТЕКШИРИШЛАР ҚАЧОНГАЧА?

***Қатор йиллар давомида Мурод Жўраев номли ширкат хўжалигида бош пудратчи бўлиб ишладим. 2001 йилга келиб ҳукумат қарори билан ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантириладиган бўлди.***

Деҳқончиликда тажрибам бор, олий маълумотли мутахассисман, шу боис фермер бўлиш учун ариза бердим. Аризам атрофлича ўрганилиб, барча қоидалар асосида маъқул топилди. Туман ҳокимининг қарори билан "Шаршара" фермер хўжалиги ташкил этилиб, 40,1 гектар ер майдони ажратилди. Ўша йили хўжалигимиз мустақил фаолият юритмади.

(Давоми 2-бетда)

# СТИР НИМАГА КЕРАК?

СОЛИҚ

***Аҳамият берган бўлсангиз, айни пайтда республикамизда барча идоралар, ташкилотлар ва муассасаларда хизмат қилувчилардан ўзи истиқомат қилаётган, доимий рўйхатдан ўтган туман ёки шаҳар солиқ инспекциясида солиқ тўловчининг идентификацион рақами СТИР (ИНН)ни олиб келиши талаб қилиняпти. Ҳатто айрим ишхоналар «ИННсиз маош берилмайди», дея қатъий огоҳлантиришлар бераётганини ҳам яширишнинг ҳожати йўқ.***

Хўш, СТИР (ИНН)нинг солиқ тўловчи учун аҳамияти қандай? Солиқ тизимида буни жорий этишдан қандай мақсад кўзланган? У нима учун керак?

**Давлат солиқ қўмитасининг бош давлат инспектори Баҳодир Бойқобилов бу хусусида шундай дейди:**

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 130-сонли қарорига асосан мамлакатимизда барча юридик ва жисмоний шахслар солиқ тўловчи сифатида ўз идентификацион рақамига эга бўлишлари лозимдир. Идентификация рақами солиқ тўловчилар - юридик ва жисмоний шахсларга улар ўзлари яшайдиган(жойлашган) жойдаги давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказиш шакллари тўлдирилгандан кейин берилади.

Ушбу қарорда солиқ тўловчининг идентификацион рақами банк тўлов ҳужжатларининг электрон шаклларида, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилаётган хўжалик, фуқаролик-ҳуқуқий ва меҳнат шартнома (контракт)ларида ва уларнинг иловаларида акс эттирилиши белгилаб қўйилган. Ушбу қарор амалда татбиқ этила бошлаган пайтдан то шу дамгача Республикамизда фаолият юритаётган барча юридик шахслар СТИР билан тўлиқ таъминланган. Эндиликда жисмоний шахсларнинг идентификацион рақам олишлари қизғин паллага кирди.

(Давоми 2-бетда)

МУЛОҲАЗА

# “АЛПОМИШ” “МАҲАБҲАРАТ”ДАН КАМ ЭМАС...

***Мустақилликка эришганимиздан сўнг халқ оғзаки ижодига, бахшичиликка чексиз ғамхўрлик қилина бошланди. Айниқса, “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги нишонланиши тарихий воқеа бўлди.***

Аммо, "топшириқ"қа ўрганиб қолганмизми, билмадим, ҳозирга келиб бахшиларнинг, термачиларнинг, халфаларнинг овози кўп эшитилмай қолди. Радио ёки телевизорнинг "қулоғи"ни қачон-қаёққа бураманг, аксарият ҳолларда, енгил-елпи қўшиқдан то жаҳон эстрадасигача "мўл-кўл" янграйди. Хўш, нега бахшини, доира чалиб қўшиқ айтадиган халфани эшитиш мумкин эмас?!

(Давоми 4-бетда)

# “ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ” ХИЗМАТИНГИЗДА

ИСЛОҲОТ

***Бугун ер шарининг ҳар қайси нуқтаси темир йўллар билан ҳам туташиб, боғланиб турибди. Ғарбу шарқ, жанубу шимол орасидаги масофа темир йўл туфайли яқин тортган. Дунё иқтисодиётида эса “Темир йўл – иқтисодиётнинг қон томирлари”, деган ибора бор.***

Темир йўл ҳар жиҳатдан мустаҳкам, ишончли, юк ташиш учун анча хавфсиз восита. Саноат учун муҳим хомашёлар, йирик ишлаб чиқариш объектларига юклар темир излар орқали олиб борилади. Мамлакатимизнинг сув йўлидан узоқлиги, савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш учун муҳим ва арзон бўлган кема қатнови биздa йўқлигини инобатга олсак, юртимиз тараққиётининг асосий таянчи темир йўл эканлигини англашимиз қийин кечмайди.

Юртимизнинг ҳар бир вилояти чекка туманларига турли хил кимёвий воситалардан тортиб минерал ўғитларгача, ёнилғи маҳсулотларидан тортиб қурилиш материалларигача асосан юк ташувчи вагонлар орқали истеъмолчига етказиб берилади. Бундан ташқари темир йўл мамлакат экспорт салоҳияти юксалишида ҳам энг муҳим стратегик аҳамиятга молик тармоқ саналади. Темир йўл қанча-қанча кишиларнинг меҳнати, матонати эвазига юзага келади. Ҳар қандай вазиятда ҳам темир йўл мустаҳкам, бекаму кўст қурилиши лозим. Чунки, темир йўллар ҳар қайси мамлакат иқтисодий инфратузилмаси шаклланишининг мезони саналар экан, улар бугун ё эртага эмас, балки асрлар мобайнида келажак авлодлар бахт-иқболи учун хизмат қилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон темир йўл тармоғини янада ривожлантириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиляпти.

(Давоми 3-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:
КЎЧА БОЛАСИНИНГ ҚИСМАТИ
ОТА ҚАЕРДА БЎЛСА...
МЕҲР ҚУДРАТИ

# “ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ” ХИЗМАТИНГИЗДА

(Боши 1-бетда)

Эсингизда бўлса, 2001 йилнинг январ ойида Учқудуқ-Мискин-Нукус янги йўналиши ишга тушган эди. Саҳронинг қоқ ўртасини ёриб пўлат излар ётқизилгани инобатга олинса, ҳазилакам иш амалга оширилганини сезишимиз қийин кечмайди. Биринчидан, юк ортилган вагонлар мамлакат ҳудудидан ўтадиган бўлди. Иккинчидан, саҳроларда замонавий иншоотлар қад ростлади. Янги вокзаллар ишга тушди. Аҳолининг маълум қисми иш билан таъминланди. Учинчидан, саҳроларга ҳаёт кириб



келди. Одамларнинг узоғи яқин бўлди.

Бошқа соҳалардаги каби темир йўл тизимидаги янгиланишлар, қурилишлар Ўзбекистоннинг улкан имкониятлар мамлакатига айланиб бораётганидан далолат беради. Дейлик, яна бир йўналиш –Нукус-Тўрткўл шаҳарлараро поезди қатнови йўлга қўйилди. Бу эса Учқудуқ-Мискин-Нукус йўлининг давоми эди. 2002 йилнинг сентябр ойидан бошлаб эса мазкур йўналиш бўйича Тошкент-Учқудуқ-Нукус тезюрар йўловчи поезди қатнай бошлади. Халқимиз ҳаётининг фаровон кечиши, кишилар турмуш тарзини яхшилаш, мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтириш учун давлатимиз барча имкониятлардан унумли фойдаланаяпти.



Йўловчилар учун шарт-шароитлар яратиш дастлаб вокзаллардан бошланади. Ҳар бир йўловчи вокзал остонасидан ҳатлаб, чипта харид қилгач то вагон эшигига боргунга қадар қулай шарт-шароит, энг муҳими, хушмуомалаликни ҳис этиб турмоғи шарт. Вокзал – темир йўл тизимининг юзи, ички тартиб ва маданиятни кўрсатиб турувчи кўзгу.

“Темирйўлйўловчи” очиқ акциядорлик жамияти тасарруфида 18 та асосий вокзаллар мавжуд. Айтиш мумкинки, уларда замонавий шарт-шароитлар яратилган. Йўловчиларга талаблар даражасида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.



Кейинги икки йил ичида Наманган, Марғилон, Нукус, Қарши, Термиз, Ховос шаҳарлари вокзаллари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, вокзалларнинг барча чиптахоналари замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Олдиндан чипта сотиш кассалари қаршисида ахборот-маълумот таблоси ўрнатилди. Шунингдек, “Тошкент-Марказ” бекати тўлиқ қайтадан таъмирланиши режалаштирилмоқда. Бугунги кунда ҳар бир тармоқда ўзгариш ва янгиланишлар, замон билан ҳамнафаслик сезилмаса, бу соҳа ўз-ўзидан ҳаётдан орқада қола бошлайди. Бозор иқтисодиёти шароитида эса энг аввало давр руҳини сезиш муҳим хислат саналади. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, “Ўзтемирйўлйўловчи” ОАЖда қилинаётган ижобий ишлар талайгина.

Йўловчилар учун ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида “Тошкент-Нукус”, “Тошкент-Бухоро”, “Тошкент-Термиз” йўналишлари бўйича қатнаётган поездларда замонавий хизмат турлари жорий этилди. Бундан ташқари “Қўқон-Наманган”, “Бухоро-Навоий”, “Навоий-Самарқанд”, “Қарши-Китоб” йўналишида шаҳарлараро поездлар қатнай бошлади, - дейди биз билан суҳбатда “Ўзтемирйўлйўловчи” ОАЖ раиси ўринбосари Дониёр Захриддинов.

Январ ойидан бошлаб яна бир янги йўналишда “Тошкент-Самарқанд” тезюрар поезди юраяпти. Ёз мавсумида эса аввалгидек “Тошкент-Хўжакент” тезюрар электр поезди қатнови йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси темир йўл мамлакатимиз бўйлаб ривож топаётганидан далолат беради.

Шу ўринда “Тошкент-Самарқанд” тезюрар электр поездидаги қулайликларга алоҳида тўхталсак. Биринчидан, халқимизга хизмат кўрсатишнинг намунали усуллардан бири йўлга қўйилди: вагонлар замонавий. Ўриндиқлар юмшоқ. Ёруғ ва шинам, озода вагонларга дунёнинг ривожланган давлатлари йўловчи поездлари тимсолида оро берилган. Ҳар бир вагон купелари алоҳида бўлиб, 6 тадан юмшоқ ўриндиқларга эга. Йўловчиларга нонушта ёки кечки овқат берилади. Барча сервис хизматлари қатори уларнинг нархи ҳам чипта баҳоси ичида. Бундан ташқари қўшимча тўловлар эвазига ёдгорликлар тўплами, совғалар харид қилиш имконияти яратилган. Видеофильмлар ва мусиқали клипларга буюртмалар бериш мумкин.

Мазкур йўналиш бўйича ҳаракатланадиган поезд йўловчиларни ўз манзилига ҳеч бир қийинчиликсиз, зериктирмай олиб бориши билан йўловчилар кўнглига мос келаяпти. Биз “Тошкент-Самарқанд” тезюрар поездидаги шарт-шароитлар билан танишдик. Ҳаммаси рисоладагидай. Комфорт. Яхшиси, йўловчиларнинг фикрларига эътибор қаратсак, “Маърифат” газетаси ходими Б.Ризоқулов шундай дейди:



- Мазкур поезд ҳар томонлама қулай. Вагонлар озода. Ҳордиқ олиб, манзилга етганингизни ҳам сезмай қоласиз. Юртимизда шундай, замонавий поездлар қатнови йўлга қўйилаётганидан хурсанд бўлишимиз керак.

-Вагонларнинг замонавийлигини қаранг. Хизматчилар ҳам хушмуомалали. Камчиликлар йўқ. Агар шундай чиройли вагонларда кетсанг, “йўл азоби...” деган иборани айтишнинг ҳожати йўқ, - дейди Термиз шаҳар алоқа бўлими бошлиғи М.Раимов.

Хуллас, йўловчиларнинг қайси бири билан гаплашманг, мамнуният ҳиссини туясиз.



Бугун “Ўзтемирйўлйўловчи” ОАЖ фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидаги рақамлар ҳам унинг тараққий этаётганлигини кўрсатади. Ҳозир мазкур жамиятда 4144 киши ишлайди. Ўртача иш ҳақи 72 минг сўмга тўғри келаяпти. Ўтган йили 15 миллион 271 минг кишига хизмат кўрсатилди, 15 миллиард 715 миллион сўмлик даромад олинди. Йўл чипталари нархи оширилмади. “Тошкент-Москва” йўналиши бўйича ҳаракатланадиган йўловчи поезди чипта баҳоси 25 фоизга арзонлаштирилди. Энг муҳими “Ўзтемирйўлйўловчи” ОАЖ раҳбариятининг давр руҳини англаб, имкониятлардан оқилона фойдаланаётгани боис, тармоқда ислоҳотлар самараси кўзга ташланмоқда.

**Ҳанифа ШАМШИЕВА**

# ETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

## АКВАПАРКДАГИ ФОЖИА

***Москва шаҳри Ясенево туманидаги “Трансваал-парк” ёпиқ чўмилиш ҳавзасида содир бўлган бахтсиз ҳодиса туфайли 28 киши ҳалок бўлди, 80 нафар одам турли кўринишда яраланди.***



Фавқулодда ҳолатлар вазирлиги бошлиғи Сергей Шойгунинг сўзига кўра, чўмилиш ҳавзасининг гумбази қалин қор ёғишига бардош беролмай, ҳовузлар устига қулаб тушган. Воқеа жойида ҳеч қандай теракт тафсилотлари кузатилмаган.

## ХАВФ ОРТДА ҚОЛДИ

***Исроил фуқароларига бундан бир неча йил аввал биологик ва кимёвий қуролларга қарши ишлатиладиган махсус ниқоблар берилган эди.***



Бу турдаги газ ниқоблари асосан Саддам Ҳусайн режимининг таҳдиди мавжуд бўлган даврда ва 1990 йил Форс кўрфазида вужудга келган нотинчликдан бир муддат аввал исроилликларга тарқатилганди. Исроил ҳукуматининг фикрича, бундай сарф-харажатларга энди ўрин йўқ, чунки Саддам Ҳусайн тузуми ағдарилган. Ҳар бири валюта ҳисобига четдан олиб келинган газ ниқобларини топширган фуқарога маълум миқдордаги пул мукофоти берилади.

## ТИЛСИЗ ЁВ

***CNN ахборот агентлигининг тарқатган маълумотига кўра, Хитойнинг Чжэцзян вилояти ва Цзилин шаҳрида содир бўлган кучли ёнғин оқибатида 90 киши вафот этган.***



Хитойнинг Чжэцзян вилоятидаги ибодатхонада диний байрам ўтказилаётган бир вақтда ёнғин чиққан.

Ибодатхонада кўп сонли ибодат билан машғул бўлганлар саросима ичида қолишди. Натижада 39 киши ҳалок бўлиб, 20 нафарга яқин одам жароҳат олди. Орадан уч соат ўтиб, Хитой шимоли-шарқида жойлашган Цзилин шаҳри супермаркетлари бирида ҳам ёнғин чиқди. Бу жойда эса 53 харидор ва супермаркет хизматчилари нобуд бўлишди. Хитой расмийларининг баёнотича, содир бўлган икки ёнғин ҳам эътиборсизлик туфайли вужудга келган экан.

## ЖИНОЯТЧИЛАР ҚАЙТАРИЛАДИ

***АҚШ ҳарбий жиноятлар масаласи бўйича давлат котиби ёрдамчиси Пьер Проспер Кубада жойлашган Гуантанамо ҳарбий базасида сақланаётган 8 россиялик жиноятчиларни ўз ватанларига қайтарилишини айтиб ўтди.***




Гуантанамодаги асирлар Америка ҳарбийлари томонидан Афғонистонда олиб борилган амалиётлар давомида қўлга олинган эди. Қўлга олинган рус асирлари Афғонистондаги “Толибон” ҳаракати жангарилари орасида бир неча йил фаолият олиб боришганлиги аниқланган. Бу ҳақда Россия ташқи ишлари вазири ўринбосари Вячеслав Трубников “россиялик толибончилар”ни тез кунда Россияга олиб келиб, улар устидан суд олиб борилишини баён этди.

## НАВБАТДАГИ ТЕРРОР

***Бағдоддан 40 километр узоқликда жойлашган Ал-Фалуд шаҳридаги полиция участкасига бир гуруҳ жиноятчилар ҳужум уюштирди.***



Жиноятчилар полиция маҳкамасини тўрт томондан ўраб олиб, ўққа тутишди. Икки томонлама олишув чоғида 20 нафар полиция ходими ва 3 жангари ҳалок бўлди.

Кўққисдан содир этилган ҳужум туфайли полиция ходимлари ёрдамчи куч чақиришга улгуришмаган. Ярим соат давом этган отишувдан сўнг бир қанча террактни амалга оширганликда гумон қилиниб, полиция маҳкамасида сақланаётган 100 нафар жангариларни ҳам жиноятчи гуруҳ озод этишган, деб хабар беради BBC ахборот агентлиги.

## НАМОЙИШ

***Страссбургда 40 мингга яқин курдлар ўз намойишлари билан чиқишди. Намойишчилар Абдулла Ожалонни озод этишни талаб этишди. Намойишчилар сафига Европанинг бир қанча давлатларида истиқомат қиладиган курдлар ҳам келиб қўшилишган.***



1999 йил Туркияда Абдулла Ожалон айирмачилик, бир неча миллатчилик жиноятларида айбланиб, қўлга олинган ва ўлим жазосига ҳукм қилинган эди. Лекин курдларнинг астойдил норозиликлари ва чиқишлари Абдулла Ожалонга қўйилган олий жазо умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилишига сабаб бўлган эди. Мана беш йилдирки, курдлар ўзларининг йўлбошчиси қўлга олинган санада намойишлар уюштириб келишмоқда.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида**
**Шермат САНАЕВ тайёрлади.**

# ПЛЁНКА ЯХШИ... ҲАФСАЛАСИЗЛИК ЁМОН

(Боши 1-бетда)

Чигит экиш сеялкалари ҳар йили мавсум олдидан Учкўрғондаги “Қўғайтаъмир” корхонасида қайтадан таъмирланади, - дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлим бошлиғининг иқтисод бўйича ўринбосари Ҳамиджон Ҳакимов, - ҳар бир сеялка ҳолатига қараб, 450 минг сўмдан 600 минг сўмгача харажат қилинади. Бу эса хўжаликлар иқтисодига сезиларли таъсир қиляпти. Масалан, ўтган йили 11 та сеялкамизни “Қўғайтаъмир”га юбориб, ҳар бирининг ҳолатига қараб 334 минг сўмдан 580 минг сўмгача харажат қилдик. Фақат таъмир учун 6 миллион 150 минг сўм маблағ сарфланди. Демоқчиманки, инженер-конструкторларимиз эндиликда плёнка остига чигит экадиган пишиқ, мукаммал агрегатлар яратиш устида ҳам иш олиб боришлари керак. Токайгача, сеялкалар ҳар мавсум олдидан таъмирланаверади?

Ким табиб, бошидан ўтказган табиб. Энди чустликлар бу йилдан плёнка остига чигит экадиган сеялкаларнинг аксарият қисмини ўзларида – туман МТПси қошидаги устахонада таъмирлашни йўлга қўйишибди.

-Шу кунларда 26 та ана шундай сеялкаларни таъмирлаб, кафолати билан хўжаликларга етказиб бердик, - дейди туман машина-трактор парки ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари Мирзаосим Сатторов. - “Қўғайтаъмир”да ҳар бир сеялка таъмири 450-600 минг сўмга тушса, ўзимизда бу 170-250 минг сўмга тўғри келди. Шунинг эвазига 5-6 миллион сўм маблағни тежаб қолдик.

Тежамкорлик фойданинг кўпайишидан дарак. Чустликлар плёнка остига чигит экишнинг афзалликларини тушунишяпти, туманда бу усул йилдан-йилга оммалашяпти. Бу борада ҳафсаласизлик қилганлар эса, кеч бўлса-да, плёнканинг фойдасини кўришяпти.

Хуллас, чустликлар “Зарафшон” тажрибасини, Маҳмуджон полвонларга ўхшаган янгиликка ўч, уста миришкор пахтакорлар маҳоратини, туман миқёсида кенг ёйишлари, оммалаштиришлари керак. Ана шунда Чуст ҳам катта карвоннинг олдида юради.

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

## ЭҲТИЁТ-ШАРТ

***Жорий йил илк бор Вьетнамда қайд этилган парранда гриппи аста-секин Жанубий Корея, Таиланд, Камбоджа, Покистон, Япония, Лаосга ҳам ёйила бошлади.***

Натижада парранда бош сонларига қирон келди, грипп касал-



лиги юққанлиги учун парранда маҳсулотлари эса ветеринария ходимлари томонидан йўқ қилиб ташланди. Бу мамлакатлар иқтисодига катта зарар келтирмоқда. Ачинарлиси шундаки, эпидемия

# “ПАРРАНДА ГРИППИ”

нафақат паррандаларнинг, балки инсонлар ҳаётига ҳам хавф солмоқда. Беихтиёр ўйга толасан, бизнинг юртимизга кириб келиш эҳтимоли бормикан?! Албатта, йўқ. Чунки республикамизда паррандалар юқумли касалликлари кириб келишининг олдини олиш мақсадида амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Фавқулодда эпидемияга қарши курашиш Республика комиссияси томонидан шу йил 22 январда ўтказилган йиғилишда республика ҳудудида барча юқумли касалликлар бўйича эпизоотик барқарорликни таъминлаш борасида олиб борилаётган тадбирлар устидан назоратни кучайтириш тўғрисида мутасадди ташкилотларга вазифалар юклатилди. Шунингдек, ўта хавфли юқумли касалликлар учраётган давлатлардан кириб келаётган фуқаролар, қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотлари, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари устидан назоратни янада кучайтириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ветеринария бошқармаларига, Чегара ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармасига тегишли топшириқлар берилди. Бу, албатта, ўзининг ижобий самарасини бера бошлади.

Энди касаллик ҳақида икки оғиз сўз. Парранда гриппи касаллигини ортомиксовируслар келтириб чиқаради. Унинг кўп сонли қўзғатувчиларини инсонларда А, В, С турларга, паррандаларда эса А турига жамлаб ўрганилади. А туридаги грипп вируслари эпидемия ва эпизоотияда муҳим роль ўйнайди. Чунки паррандаларда микроорганизмларнинг ўзаро бирикишидан янги микроорганизмлар ҳосил бўлиши натижасида антиген ўзгарувчанлик вужудга келиши мумкин. Вирус вариантлари турли кўриниш ва касаллик тарқатиш хусусияти бир хил бўлмаганлиги боис паррандаларда турлича клиник белгилар билан намоён бўлади. Шунинг учун айрим турдаги парранда гриппини “паррандаларнинг классик вабоси”, “ўрдакларнинг юқумли тумови”, “ўрдакларнинг юқумли синусити” ва бошқа номлар билан атайдилар.

Грипп билан барча турдаги уй ҳайвонлари, қушлар ва ёввойи паррандалар касалланади.

Товуқларда грипп қўзғатувчиси – А грипп вируси ҳисобланади. Уларнинг манбаи эса барча турдаги қушлардир. Касал жўжалар, товуқлар, қушлар, кемирувчилар ҳам касаллик ташувчи бўлиши мумкин. Бу юқумли касаллик ўзаро алоқада, оғиз-нафас йўллари орқали юқади. Лекин касаллик тез тарқалишига қарамай, барча паррандалар зарарланмайди.

Касалликка чалинган паррандаларда озуқа емай қўйиш, чанқоқлик, нафас олишнинг қийинлашуви, бурун ва оғзидан суюқлик оқиши, ҳаракат фаолияти бузилиши, парез ва параличлар, тожининг кўкариши, чечаксимон тошмалар тошиши ва диарея ҳолатлари кузатилади. Касал паррандаларнинг тухум бериши кескин камайиб кетади.

Шунинг учун касални даволагандан кўра, олдини олган яхши. Шу боис вилоят ва туманларда ветеринария лабораториялари фаолият кўрсатмоқда. Эпидемияга қарши зооветенария ва санитария тадбирлари ўз вақтида ўтказилса, хавфнинг олди олинади.

**Абдуҳолиқ АЛИМАРДОНОВ,**
**парранда касалликлари бўйича республика ветеринария лабораторияси директори, биология фанлари номзоди.**

## АҚШ - ЎЗБЕКИСТОН:

# PL-480 ДАСТУРИГА КЎРА

(Боши 1-бетда)

-Биз ўзбек ва америка мутахассисларидан иборат бир жамоамиз, - дейди АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаменти вакили, лойиҳа директори доктор Жеймс Стивенсон. – Олиб борилаётган ишлар икки томонлама манфаатли. Чунки соҳадаги муаммолар бир хил. Масалан, ғўзанинг кўсак қурти ва вилт касаллиги, буғдойнинг занг касалликларини олайлик. Америкада ҳам, Ўзбекистонда ҳам учрайди. Иккинчи жиҳати эса Ўзбекистонда етиштирилаётган сабзавот-полиз маҳсулотларининг мазасига тенг келадигани йўқ, лекин касалликка чидамсиз. Америкада эса бунинг акси. Лекин давлатингизда зараркунандаларга қарши “махфий қурол” бор. Келинг, сизга оддий қилиб тушунтирай: Дейлик, буғдойнинг маданийлашган турлари касалликка тезда чалинади. Ёввойи ҳолдагиси эса касаллик ва зараркунандаларга ўта чидамли. Уларни чатиштириш орқали янги сермаҳсул нав яратиш мумкин.

Мен зараркунандаларга қарши курашни югуриш мусобақасига ўхшатаман. Чунки ҳашаротлар ўта мослашувчан бўлади. Масалан, бирор вирусга қарши препарат яратдингиз. Синовдан яхши ўтди, таъсир кучи ҳам кўнгилдагидек. Бироқ маълум бир вақтдан сўнг у ўз таъсир кучини йўқотади. Аниқроғи, зараркунандалар препаратга мослашиб улгуради. Сўнг бошқа дори воситасини қўллаш даркор. Очиғини айтиш керак, соҳадаги муаммоларни 1-2 йилда бартараф этиб, юқори натижаларга эришиш қийин. Бу узоқ муддат давом этадиган жараён. Лекин Ўзбекистон билан ҳамкорликдаги ишларимиз мақташга арзигулик. Асосийси, мутахассисларимиз бир-бирларидан жуда кўп нарсаларни ўрганмоқда.

Ҳамкорлик чин маънода ўз самарасини кўрсатаётир. Масалан, Ўзбекистон генофондида сақланаётган қарийб 3000 дан ортиқ ғўза уруғи намуналари янгиланди, юртимиз ва Америкада етиштирилаётган сабзавот ва полиз экинларини чатиштириш орқали уларнинг мазали, касаллик ва зараркунандаларга чидамли янги тизимлари яратилди. Шунингдек, республикамиз ички талабидан келиб чиққан ҳолда қаттиқ буғдой навларини яратиш ва сифатини яхшилаш борасида илмий изланишлар олиб борилаётир. Ветеринария соҳасида эса янги дори воситалари яратилди, жумла-



дан, чорва молларининг “Пастереллез” касаллигига қарши эмланадиган вакцина, бузоқларнинг соғлом ўсишини яхшилаш мақсадида яратилган “Зоомикс” озуқа қўшимчаси ва “лактоглобулин” препаратлари синовдан муваффақиятли ўтди.

-Америкалик ҳамкорларимиз ўзбек олимларининг илмий салоҳиятини юқори баҳоламоқдалар, - дейди “Агроилмдунё” илмий ишлаб чиқариш корхонаси директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Аббосхон Марупов. – Шу боис ҳам улар пахтанинг вилт касаллигига чалиниши, ўсимликларни биологик йўл билан ҳимоя қилиш, қорамолчилик ҳамда уруғ генофондидаги муаммоларни мутахассисларимиз билан баҳамжиҳат ҳал этиш тарафдоридирлар. Шу мақсадда Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтидаги “Уруғ генофондини сақлаш” биносини қайта таъмирлаш мақсадида 190000 АҚШ доллари миқдорида грант маблағлари ажратилди. Натижада Ўрта Осиёда ягона бўлган жаҳон андозаларига ҳар томонлама жавоб берадиган бино қад ростлади. Энди ажратилаётган маблағ ҳисобидан Ўзбекистон пахта уруғчилиги ва селекцияси институти, Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтидаги ҳамда Андижон дон ва дуккакли ўсимликлар институтидаги “Уруғ генофондини сақлаш” биноларини таъмирлаш йўлга қўйилмоқда.

Айтиб ўтиш керакки, корхона раҳбарлигида амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар мониторинги ҳар йили 2-3 маротаба доктор Жеймс Стивенсон ва доктор Ўша Капур хоним томонидан таҳлил қилиб борилади. Ўз навбатида ҳар бир лойиҳанинг методик жиҳатдан тўғри ёки нотўғри амалга оширилаётгани корхона мутахассисларининг ҳам назорати остида. Бу изланишларнинг юқори самара беришини таъминлайди. Бундан ташқари иқтидорли, ёш олимларга чет тилларини ўргатиш, малакаларини хорижда ошириб келишларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Республикамиздан 8 нафар олим 2001 йили Америкада хизмат сафарига борган бўлсалар, 2001-2002 йилларда америкалик 7 нафар соҳа мутахассислари юртимизда бўлдилар. Бу вақт мобайнида мутахассислар ҳар иккала мамлакат учун долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Лойиҳалар уч йил фаолият кўрсатиш учун танлаб олинади. Шундан сўнг илмий изланишлар натижасида олинган янгиликларни патент идоралари орқали қайд этилиши кўзда тутилган. Бу вазифа ҳам корхона зиммасига юклатилган. Бу йил дастурнинг илк “қалдирғоч”лари ўз ишини якунладилар.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

***Тошкент шаҳрининг 2-сонли “Мурувват” уйида мамлакатимиздаги болалар мурувват уйларига жиҳозлар топшириш маросими ўтказилди.***

Жиҳозлар Қорақалпоғистон республикаси, Андижон, Фарғона, Қашқадарё вилоятларидаги ҳамда пойтахтдаги ва 2-сонли “Мурувват” уйларига топширилди.

# МУРУВВАТ УЙЛАРИГА ЖИҲОЗЛАР

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб “Ипак йўли” камер хори иштирокида хайрия концерти ўтказилди. Мазкур хайрия концертидан тушган маблағларга мамлакатимиздаги болалар “Мурувват” уйларига жиҳозлар сотиб олиш режалаштирилган эди. Жамғарманинг ҳудудий бўлимлари ёрдамида болалар мурувват уйларини талаб ва эҳтиёжлари ўрганиб чиқилиб, 5 та телевизор, 5 та видеомагнитафон, 5 та картошка артгич ускунаси ҳамда спорт жиҳозлари харид қилиниб, мурувват уйларига топширилди.

**“Туркистон-пресс”**

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги “BONUR-GAZ” МЧЖ ўз Низом жамғармасини 35400000 сўмдан 17000000 сўмга камайтирганлигини маълум қилади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан 2004 йил 9 февралда № 0500643 қайд этиш рақами билан Абзалова Шарофат Акбаржоновна номига расмийлаштирилган савдо ҳуқуқини берувчи № 0004417 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“Қишлоқ ҳаёти” газетасининг 2004 йил 20 январ 9-сонида босилган Каримова Фируза Содировнага тегишли аттестат йўқолганлиги ҳақидаги эълондаги шу ҳужжат рақами № 011171 эмас, UZC № 011171 деб ўқилсин.

Утерянный гос.ордер 08-02/2096 от 9.12.92 г. права собственности Джамаловой Матлюбы Умаровны на квартиру, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер 10-01/5721 от 12.02.93 г. права собственности Цой Розы Алексеевны на квартиру, считать недействительным.

КП “Маишийтехсоз” (код по ОКНХ 14981) ликвидируется. Притензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 90-29-58. Адрес: г.Ташкент, Мирабадский район, ул,Бешкентская, д.56.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан № 2307 қайд этиш рақами билан ХХР фуқароси Жи Венжан (P CHN 149868599)га “TVANSZIN” ШКнинг иш берувчиси сифатида 2003 йилнинг 20 февралидан 2004 йилнинг 20 февралигача берилган № 001681 рақамли меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси, хорижий ишчи кучини жалб қилишга № 000234 рақамли рухсатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 17 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 781,54 | 1 Польша злотийси | 260,13 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1863,70 | 1 СДР | 1492,66 |
| 1 Дания кронаси | 169,15 | 1000 Туркия лираси | 0,76 |
| 1 БАА дирхами | 269,42 | 1 Швейцария франки | 799,18 |
| 1 АҚШ доллари | 989,54 | 1 ЕВРО | 1259,68 |
| 1 Миср фунти | 160,38 | 10 Жанубий Корея вони | 8,55 |
| 1 Исландия кронаси | 14,55 | 10 Япония иенаси | 93,87 |
| 1 Канада доллари | 751,99 | 1 Россия рубли | 34,70 |
| 1 Хитой юани | 119,55 | 1 Украина гривнаси | 185,63 |
| 1 Малайзия ринггити | 260,44 | | |

**Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

